*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
**5 ноябрь**
ШАНБА
**№ 90** (12934)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Сайлов – 2016

## ХАТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ





*Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов шу йил 2 ноябрь куни Тошкент вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашди.*

Мазкур учрашув онлайн видеоконференция тарзида ўтказилиб, унда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидан қарийб 6 минг сайловчилар қамраб олинди.

Дастлаб номзоднинг ишончли вакили, ХДП вилоят кенгаши раиси Мехрож Дарханов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан яқиндан таништирди.

Мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов нутқ сўзлаб, онлайн видеоконференция иштирокчиларига ўзи илгари сураётган Сайловолди дастурининг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб берди.

Таъкидланганидек, Дастур Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг парламентдаги кўпчилик – Демократик кучлар блокига нисбатан ўзини мухолифат деб эълон қилгани ва мухолиф фракция сифатида илгари сурган қатор ғояларга асосланади. Унда мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосида ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, аҳолининг барча қатламини, энг аввало, кам таъминланган қатламининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг тартибга солувчанлик ролини мустаҳкамлаш, энг кам истеъмол харажатлари (истеъмол "саватча"си) стандартларини белгилашнинг асосланган ва замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш тарифларининг давлат томонидан тартибга солинишини такомиллаштириш орқали коммунал хизматлар нархларини мақбуллаштириш каби вазифалар ўрин олган.

Шунингдек, унда аҳоли бандлигини таъминлашнинг мутлақо янги ва замонавий усулларини жорий қилиш, иш ўринларини ташкил этиш дастурининг сўзсиз бажарилиши устидан парламент назоратини кучайтириш, муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларни ҳаётга татбиқ қилиш орқали яратиладиган барқарор иш ўринлари сони билан ўрта махсус ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Қизилгул Қосимова, партиянинг вилоят кенгаши сектори мудири Гули Абдураҳимова, партиянинг Ангрен шаҳар кенгаши раиси Иномжон Абдуқаюмов ва бошқалар сўзга чиқиб, номзод дастурида илгари сурилган ғояларни қўллаб-қувватлаб, сайловчиларни сайлов куни Хатамжон Кетмоновга овоз беришга чақиришди.

Очиқ мулоқот тусини олган учрашув сўнгида номзод сайловчиларни қизиқтирган кўплаб саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.*

## ТАРАДДУДНИНГ ҚИЗҒИН ПАЛЛАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни округ сайлов комиссияси раиси Ҳакимжон Ҳамидов олиб борди.*

Округ сайлов комиссияси аъзолари, матбуот маркази ходимлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси вакиллари, туман ва шаҳар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари иштирок этган мажлисда 10-Тошкент вилояти сайлов округи ҳудудидаги участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди.

– Сайловларни ўтказишдаги асосий бўғин айнан сайлов участкаларидир, – дейди 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси котиби Р. Тошхўжаев. – Шу сабабдан фуқароларнинг сайловлардаги муносиб иштирокини таъминлашда участка сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов бўйича билимларини ошириш катта аҳамият касб этади.

Айни пайтда вилоят бўйлаб Марказий ҳамда округ сайлов комиссиялари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари томонидан участка комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини ошириш, сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш мақсадида семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Шунингдек, йиғилишда сайлов участкалари фаолиятини ташкил қилиш, сайловга тайёргарлик жараёнларида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг ишонч телефони фаолияти йўлга қўйилгани таъкидланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди ва галдаги вазифалар белгилаб олинди.

**Фарҳод ТОЛИПОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнлари билан боғлиқ ҳар қандай масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг **(0371) 232-80-65** рақамли **ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ**га қўнғироқ қилишингиз мумкин.

## ДЕҲҚОННИНГ ТИҒИЗ КУНЛАРИ

*Ишнинг кўзини билган, ерни оби-тобида тайёрлаган, уруғни эрта ташлаган, белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида бажарган деҳқон мўлжалдаги натижага эришиб, юзи ёруғ бўлади.*

Жараён

Вилоятимизда ана шундай фаол, ер билан "тиллашадиган" фермерлар кўпчиликни ташкил этади. Айни кунда деҳқонларимиз келаси йил ҳосили учун ғалла экиш ва уруғни эрта ундириб олишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Маълумотларга кўра, 2017 йил ҳосили учун вилоятимизда 120 минг 900 гектар сувли ва 9 минг 700 гектар лалми майдонга бошоқли дон экинлари экиш режалаштирилган. Ҳозирга қадар тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, асосий майдонларга ғалланинг "Таня", "Краснодар-99", "Крошка", "Гром", "Нота", "Яксарт" каби серҳосил навлари экиб бўлинди. Зарур мелиорация ва агротехник тадбирлар амалга оширилмоқда.

Чиноз, Бекобод, Паркент, Оққўрғон ва Бўстонлиқ туманлари деҳқон ва фермерлари ҳам майса парваришини белгиланган режа асосида олиб боришмоқда. Бошоқли дон экилган майдонларнинг ҳар гектарига етарли миқдорда фосфорли, калийли ўғитлар чиқарилаётир. Бу, албатта, ҳосилдорликни оширади.

Таъкидлаш жоиз, шу кунларда туманларда ишлаб чиқилган кузги-қишки чора-тадбирлар режаси доирасида ҳосилдан бўшаган майдонларни шудгорлаш ва далаларга маҳаллий ўғит чиқариш ишлари ҳам қизғин давом этмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

## МАҲОРАТНИ ТОБЛАЙДИГАН ЛОЙИҲА

*Журналистларни қайта тайёрлаш маркази ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида "Мактабгача таълим: фарзанд ривожининг асосий омиллари" мавзуига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.*

Анжуман

Тадбир "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ҳамда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан ишлаб чиқилган "Она ва бола саломатлиги масалаларини ёритишда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари салоҳиятини ошириш" лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Ушбу лойиҳа "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини мустаҳкамлаш, журналистларнинг профессионаллик даражасини ошириш, уларнинг ихтисослашувига кўмаклашишга қаратилган.

Таъкидланганидек, икки йил давом этадиган лойиҳа доирасида ўтказиладиган давра суҳбатлари ва семинарларда соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари мутахассислари ушбу мавзуларни ёритиш юзасидан фикр алмашадилар.

Семинар-тренингда, шунингдек, республикамиз матбуотида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида қилинаётган ишлар, мавзуни ёритиш ва бу борада жойларда учраётган айрим муаммолар, уларни бартараф этишда оммавий ахборот воситалари масъулиятини ошириш мавзуларида маърузалар тингланди.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

Имконият

*Халқимизда "Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз" деган мақол бор. Аммо, уни аёлларга нисбатан ҳам бемалол қўлласа бўларкан! Масалан, янгийўллик Раънохонни олинг...*

## ҚИРҚ ҲУНАРЛИ АЁЛ

Ҳа, Раъно Бобоева мустақиллик берган имконияту яратилган шароитлардан оқилона фойдаланиб, элнинг усти бут, дастурхони тўкин, соғлиги мустаҳкам бўлиши учун астойдил тер тўкаётган тадбиркорлардан. Дастлаб фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган Раънохон қизларни иш билан таъминлаш, чеварликка ўргатиш мақсадида "Раъно стиль дизайн" ўқув марказини ташкил этди. Марказда ўқиган қизлар кийим-кечак, турли рўзғор буюмларини тикиш, мунчоқ билан безаш, тўқиш, сартарошлик каби зарур кўникмаларга эга бўлишди, ҳаётда ўз йўлларини топишди. Ҳозир уларнинг ўзлари тикувчилик, пазандалик, тўқувчилик цехларини очиб, устозлари ишини давом эттиришаяпти.

Тадбиркор энди боғдорчиликни ихтиёр этди. Табиий фанлар бўйича мутахассис, кимёгар-биолог отаси Неъматжон Зуфаровнинг иш тажрибалари, меваларни пайвандлашини кўриб, кўзи пишиб қолган Раъно оиласи, фарзандлари билан биргаликда "Неъматжон олмалари" боғини яратди. Бу боғ меваларининг мазаси оғзингизда қолади.

Давоми 2-бетда.

Сарҳисоб

*Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Унда вилоят бошқаруви вакиллари, фонднинг шаҳар ва туман бўлимлари раислари ҳамда масъул ходимлари иштирок этди.*

## ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯКУНИ: ЮТУҚЛАР, САБОҚЛАР, ХУЛОСАЛАР

Йиғилиш кун тартибидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш, мурожаатлар билан ишлаш, фонд иш режаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури ижроси, ижро интизоми каби масалалар ўрин олди.

Маҳаллаларда маънавий-маърифий тарғибот ишларини тизимли йўлга қўйиш ва ташкил этиш борасида давлат, жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик, оила ва хотин-қизлар, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларига услубий-амалий кўмаклашиш, молия-хўжалик ишлари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар атрофлича муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг тўққиз ойида фонд томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ҳамда фонд иш режаси ижросини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, ёш авлодни миллий ва маънавий қадриятлар ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган 1 минг 200 дан ортиқ тадбирлар, Давлат дастурида белгиланган вазифаларни аҳоли ва ёшларга етказиш бўйича 11 мингдан зиёд давра суҳбатлари ва тарғибот ишлари олиб борилди. Фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш борасида ўтган давр мобайнида 269 та маҳаллага мебель жиҳозлари, 50 тасига компьютер жамламалари олиб берилди. 98 та маҳалла идоралари жорий, 15 таси қайта таъмирланди. Ўнтаси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.



Йиғилишда ўтган тўққиз ой мобайнида бу борада амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқларни эътироф этиш билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар айтиб ўтилди. Якунда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Нозима РАСУЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*Нодирбек ТОҲИРОВ олган сурат.*

❑ Экспорт

# СИФАТЛИ МАҲСУЛОТНИНГ ХАРИДОРИ КЎП

*Вилоятимизда жорий йилнинг ўтган даврида 149,4 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди.*

Вилоятда мева-сабзавот етиштириш ва уни экспорт қилиш кўлами йилдан-йилга кенгаймоқда. Биринчи Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ҳозирги кунда вилоят фермер хўжаликлари 26 минг 580 гектар майдонда боғдорчилик, 13 минг 851 гектарда узумчилик билан шуғулланмоқда. Шу йил пойтахтимизда ўтказилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси вилоят фермер ва деҳқонлари учун хорижий компаниялар билан хўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш борасида ўзаро манфаатли шартномалар имзолашда катта имконият яратди.

Жорий йил вилоятда 3 миллион 86 минг тоннага яқин мева-сабзавот, узум, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштириш кўзда тутилган бўлиб, бунда умумий майдони 774,7 гектар бўлган иссиқхоналар фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йил якунига қадар ҳудуддаги иссиқхоналардан яна 29,1 минг тонна помидор, 14,1 минг тонна бодринг ҳосили олиш мўлжалланмоқда. Бу маҳсулотлар қиш фаслида халқимиз дастурхонига тортиқ этилиш билан бирга, экспортга ҳам йўналтирилади.

– Чирчиқ шаҳрида ўтказилган биринчи ҳудудий мева-сабзавот ярмаркасида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан 70 дан ортиқ фермер хўжалиги, 25 қайта ишлаш корхонаси билан бирга биз ҳам иштирок этдик, – дейди "Новоташкентский консервный завод" масъулияти чекланган жамияти директори Илҳом Акбаров.

"Новоташкентский консервный завод" масъулияти чекланган жамияти жорий йилда фермер хўжаликларидан харид қилган 700 тонна мева-сабзавотдан консерва маҳсулотлари тайёрлади. Маҳсулотлар ички бозорга етказиб бериш билан бирга, экспорт ҳам қилинмоқда. Корхонанинг ташқи бозордаги харидорлар билан 1 миллион долларлик шартномаси бор. Келгуси йили ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, 2 минг 500 тонна маҳсулотни қайта ишлаш мўлжалланмоқда.

Айни пайтда вилоятда 240 омбор ва совутгич мавсумга шай ҳолатда бўлиб, уларда 121 минг 325 тонна маҳсулотни сифатли сақлаш учун барча имкониятлар яратилган.

**ЎзА.**

# ҲАМ МАСЛАҲАТ, ҲАМ МУОЛАЖА

*Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларда соғлом фарзандлар камолга етишига устувор аҳамият қаратилмоқда.*

❑ Эътибор

Паркент туманида ҳам "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилаётган тиббий-ижтимоий акцияларда аҳоли, айниқса, оналар ва болалар ҳамда фертиль ёшдаги аёлларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида ўтказилган навбатдаги тиббий кўрикда республикамиздаги етакчи ихтисослаштирилган даволаш муассасалари, тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари профессор ва илмий ходимлари ҳамда вилоятдаги етакчи тиббий муассасаларнинг малакали шифокорлари иштирок этди.

Тадбир давомида 438 нафар болалар ва ўсмирлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, қўйилган ташхислар асосида зарур маслаҳат ва тушунтиришлар берилди. Алоҳида муолажага муҳтож 5 нафар болага шифохоналарда даволаниши учун йўлланмалар ажратилди.

**Элёр ЭГАМҚУЛОВ.**

## ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

### ФАОЛЛИК ТАРҒИБОТИ

**Ўрта Чирчиқ агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежида аёлларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги иштироки мавзуида ҳудудий семинар ташкил этилди.**

Унда фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси аъзолари, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда корхона ва ташкилотлардаги хотин-қизлар қўмиталари бошланғич ташкилотлари раислари, Бекобод шаҳри, Юқори Чирчиқ, Бекобод ва Паркент туманларидан ташриф буюрган хотин-қизлар иштирок этишди.

Йиғилишда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш, унда хотин-қизларнинг иштироки, сайловни ўтказиш жараёнларида фуқаролик жамияти институтларининг роли мавзуида маърузалар тингланиб, сайлов жараёнлари тасвирланган видеоролик намойиш этилди.

**Отабек ИСРОИЛОВ.**

### МУРОЖААТ ВА НАТИЖА

**Халқ депутатлари Пискент тумани кенгаши депутатлари томонидан фуқароларнинг ҳар бир мурожаати ва таклифи ўз вақтида ўрганиб чиқилмоқда.**

Жумладан, туманнинг "Митан" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Фарҳод кўчасида ёғингарчиликда сув йиғилиши, бу эса транспортлар қатновида ўзига хос муаммоларни келтириб чиқараётгани, мазкур маҳалланинг Фурқат кўчасидаги йўлларнинг таъмирталаб аҳволда эканлиги ҳақида мурожаат этишганди. Икки масала юзасидан туман ҳокимлигининг иқтисодиёт бўлимига муаммони бартараф этиш бўйича депутатлик сўровномаси юборилди. Сўровномага жавобан, Фарҳод кўчасига сув қувурлари ётқизилиб, йўл юзида сув тўпланишининг олди олинди, Фурқат кўчаси эса тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Маҳалла аҳли эндиликда йўлларнинг равонлиги, қулайлиги ва ёруғлигидан мамнун.

**Зулайҳо ЧЎЛПОНОВА.**

### МЕҲР ҚОЛУР...

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг вилоят ва туман ҳудудий филиаллари "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди!" шиори остида Янгийўл туманида ташкил этган навбатдаги акция нуронийлар, имконияти чекланган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли вакиллари ҳолидан хабар олиш ва мурувват ёрдами кўрсатишга бағишланди.**

Тадбир давомида фонднинг кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам гуруҳи тиббий кўрик ташкил этиб, беморларга санитария-гигиена воситалари ва дори-дармонлар тарқатди. Шунингдек, акция доирасида тумандаги "Дўстлик" ва "Мустақиллик" маҳаллаларидаги имконияти чекланган фуқароларга ногиронлик аравачалари тақдим этилди.

Бундай хайрли акциялар манзилли дастурга мувофиқ изчил ўтказилиб, уларда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир.

**Юлдуз ФАЗЛИЕВА.**

❑ Тадбир

*Қибрай туманида "Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг миллий стратегияси – аҳоли фаровонлигининг муҳим омили" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

# АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

"Жавоҳир савдо люкс" масъулияти чекланган жамияти ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилган тадбирда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, ўқувчи-ёшлар, шунингдек, тумандаги "Ёш ихтирочилар" уюшмаси аъзолари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлари халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Юртимизнинг ноёб тупроқ-иқлим шароити, узоқ давом этадиган қуёшли кунлар озиқ-овқат, турли мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштириш учун ҳар томонлама қулайдир. Бу табиий имкониятлардан самарали ва тўғри фойдаланиш жуда муҳим.

Давра суҳбатида мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилгани, мустаҳкам ҳуқуқий база яратилгани, айниқса, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаётгани алоҳида қайд этилиб, иштирокчиларга уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида кенг тушунтиришлар берилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЖАМОАТЧИ ИНСПЕКТОРЛАР УЧУН СЕМИНАР

*Тошкент вилоятида экологик назорат бўйича жамоатчи инспекторларнинг ваколат ва мажбуриятлари тарғиботига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.*

❑ Ўқув-машғулот

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда қўмита масъул ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, экологлар, бўлғуси жамоатчи инспекторлар иштирок этди.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

– Машғулотларда вилоятнинг барча ҳудудларидан таклиф этилган 100 га яқин бўлғуси жамоатчи инспекторлар иштирок этди, – дейди вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари Я. Султонов. – Соҳага оид ҳужжатлар ижросини таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш борасида қонунбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш каби қатор йўналишларда олиб борилган амалий машғулотлар тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Семинарда "Экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва унинг асослари", "Жамоатчилик экологик назоратининг назарий ва амалий жиҳатлари", "Ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида жамоатчилик экологик назорати", "Чиқиндилар бошқаруви соҳасида жамоатчилик экологик назорати" мавзуларида маърузалар тингланди.

**И. АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

❑ Агар огоҳ сен...

*"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ангрен шаҳар кенгаши ташаббуси билан 6-умумтаълим мактабида "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, диний экстремизмга қарши кураш" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

# ИЛЛАТНИНГ ПАЙИ ҚИРҚИЛАДИ

Бугун интернет, ахборот оқими жадал ривожланаётган пайт. Шундай мураккаб бир вазиятда ўқувчи-ёшларда бўш вақтни самарали ўтказиш бўйича кўникмани шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, айни китобхонлик палласига кирган, ҳис-туйғулари жўш урган ўсмирлар оқшомлари мутолаа билан машғул бўлиш ўрнига, қандайдир романтик кайфиятда беҳаёлик тузоғига илинишлари ёки ҳаддан зиёд қизиқувчанлик оқибатида ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишлари мумкин.

Мактаб ўқувчилари, ота-оналар, маҳалла фаоллари иштирокида ўтган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз борди. Қатнашчилар бир овоздан таъкидлаганларидек, бу жараёнда жамоатчилик назоратини кучайтириш, ҳушёрлик ва огоҳлик туйғуси, мафкуравий иммунитет ёшларда, аввало, оила, маҳалла бағрида шаклланишини инобатга олган ҳолда кенг тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш лозим бўлади.

Эндиликда ёшларни қандайдир мавзу ёки масала юзасидан тарғибот тадбирларига жалб қилганда, оддий суҳбат, маъруза шаклида эмас, замонавий медиа имкониятлардан унумлироқ фойдаланиш, мулоқотни қизиқарли тарзда ўтказиш зарурати бор. Хусусан, нотиқлик санъатининг турли усул ва воситаларидан ўз вақтида, юқори савияда фойдаланиш ҳам ўсмир қалбида чуқур из қолдирадиган, адашиш ва оғишлардан огоҳ этадиган учрашувларга янада чуқур мазмун киритади.

Шу нуқтаи-назардан баҳс-мунозара руҳида ўтган мазкур тадбир ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг аниқ мисолларга асосланган, ҳар қандай иллатнинг пайини қирқишда сабоқ вазифасини ўтайдиган фикр-мулоҳазалари йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

**Зуҳра АЛИЁРОВА.**
**Ангрен шаҳри.**

# ҚИРҚ ҲУНАРЛИ АЁЛ

– Ери олтин, тупроғи зар она юртимизнинг ҳар гўшасида боғу бўстон яратса бўлади, – дейди тадбиркор. – Фақат ҳафсала, сабр-тоқат ва ирода керак. Ҳозирги кунда астойдил ҳаракат қилган қоқилмайди. Қоқилсаям, иштиёқ ва ишончи бўлса, тезда ўнгланиб олади. Зеро, давлатимиз биз тадбиркорларга доимий эътибор, рағбат ва имконият бераяпти.

Ҳозирда Раънохон халқимиз севиб истеъмол қиладиган хушбўй дамламалар ишлаб чиқариш, мевалардан мураббо, қиём ва қуюқ шинни тайёрлаш мақсадида туну кун ҳаракатда.

– Узоқни кўзлаб иш тутиш мақсадга элтувчи энг тўғри йўл, – дейди тадбиркор. – Бошлаган ишларимизни давом эттириши учун фарзандларимизга шу соҳани чуқур эгаллаши кераклигини уқтирдик. Ҳозир кенжа қизимиз Тошкент кимё-технология институтининг озиқ-овқатларни консервалаш, қадоқлаш йўналишида ўқияпти.

Ўзи яшайдиган "Данғир" маҳалласида маслаҳатчи сифатида аёллар билан тез-тез мулоқотда бўлгани сабабли, ҳомиладор аёлларда учрайдиган камқонликнинг олдини олишга ёрдам берадиган қуёнларни кўпайтириш ҳақида ўйлай бошлади. Тиниб-тинчимайдиган тадбиркор ўқиб, изланишдан чарчамади. У қуёнларнинг озиқасию, кўпайиши, ҳатто қайси ранглиси қандай касалликларга даво бўлиши ҳақида кўп ўқиди. Тўғри, бу сердаромад ишнинг ўзига яраша қийинчиликлари ҳам бор. Ёдингизда бўлса, "Ажойиб хаёлпараст" кинофильми бош қаҳрамонининг ҳам орзулари кўп эди. Аммо, ўша давр тақозоси туфайли орзу ниятлари рўёга айланади. У пайтларда рисоладагидек уя қуришга маблағи ҳам йўқ, ҳозиргидек кредитлар эса тушига ҳам кирмаган...

Раъно Бобоева банкдан 20 миллион сўм кредит олиб, нафақат Янгийўл, балки Зангиота, Чиноз туманларида ҳам қуёнчиликни ривожлантиришга озми-кўпми ҳисса қўшди.

– Қуённинг турган-битгани фойда, – дейди тадбиркор. – Бу ҳақда кўп ўқиганман. Қуён гўшти, аввало, камқонлик, буқоқ, иммунитет пастлигида энг яхши даво. Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино шундай дейди: "Қуён гўшти қайноқ ва шоҳона гўшт". Сабаби, қуёнларнинг озиқаси ҳам сархил – карам, сабзи, беда, лавлаги каби сабзавотлар.

Ҳозирги кунда Испаниядан келтирилган зотдор қуёнлардан 100 бош олиб, кўпайтириш мақсадида алоҳида ин-катаклар қуришни бошладик. Шунингдек, сифатли озиқа учун буғдойни янчиб, ёрма тайёрлайдиган ускуналар ўрнатдик. Бу "Янгийўл қуёнлари" деб номланган агрофирмамиз ишларини янада ривожлантиришга имкон яратди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Даврон АҲМАД олган сурат.*



Бошланиши 1-бетда.

❑ Ҳавзадаги хазина

# ЯХШИЛИК ҚИЛ, СУВГА СОЛ...

*Халқимиз топиб айтган бу мақолга қиёс қилиб, балиқ чавоқларини баҳорда ҳовузга ташласангиз, кузга келиб чунонам етилади-ки... Бунинг устига балиқ у қадар катта эътибор ва меҳнат талаб қилмайди. Кенг ҳовуз, сув ўтлари ва емиш бўлса кифоя. Аммо, фойдаси...*

Халқ табобатида балиқ мойидан кенг фойдаланилади. Шунингдек, кўзимиз равшан, хотирамиз мустаҳкам бўлишида балиқнинг ўрни беқиёс. "Тиб қонунлари"да балиқ соғлом ҳаёт, узоқ умр гарови экани ҳақида кўпгина қизиқарли маълумотлар бор.

Ҳозирги кунда аҳолининг балиқ ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларга талабини қондириш, балиқчилик хўжаликлари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 августдаги "Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Вилоятимиз тадбиркорлари балиқ етиштиришда пешқадамлар сафида. "Оҳангарон" сув омбори ҳамда "Тошкент" денгизида балиқ табиий ҳолатда кўпаяди. Бекобод, Пискент, Оққўрғон, Чиноз ва Қуйи Чирчиқ туманларида эса уларни сунъий тарзда кўпайтириш ва боқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, Қуйи Чирчиқ туманида балиқ етиштирувчи юздан ортиқ хусусий хўжалик бор. Туман ўз номи билан Чирчиқ дарёсининг қуйи оқимида, яъни Сирдарёга қуйилишда жойлашган. Қуйи Чирчиққа кириб келишингиз билан дарёга қармоқ ташлаб қўйган балиқчиларга, ундан нарида тепасида балиқчи қушлар ғужғон ўйнаётган ҳавзаларга кўзингиз тушади. Бу жойлар балиқчилик учун қулай, сув захиралари сероб. Шу боис, аҳоли балиқ етиштиришда катта тажрибага эга.

Балиқчилик сир-асрорларини яхши биладиган Саидхўжа Аҳмедов 2011 йил – "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури асосида балиқчилик билан шуғулланувчи "Ориф – Ният" МЧЖни ташкил этди. Мана, беш йилдирки, фарзандлари, ака-укалари биргаликда балиқчилик билан машғул. Эътиборлиси, ўндан ортиқ ҳамқишлоқларини иш билан таъминлади. Умумий майдони 10 гектарга яқин ҳовузларда сазан, дўнгпешона ва оқ амур каби балиқлар етиштиришади.

– Тадбиркорликни йўлга қўйган кунларимизда бир оз қийналдик, – дейди у. – Соҳада тажрибаси бор дўстларимдан маслаҳатлар олдим. Авваллари чавоқни "Балиқчи" ОАЖдан олардик. Бугунги кунда ўзимизнинг инкубаторларимиз бор. Уларда балиқ увилдириғини сунъий тарзда кўпайтириб, бир қисмини кўлда, қолганини табиий шароитда боқамиз.

Тадбиркор балиқ овлайдиган тўрлар, моторли ва моторсиз қайиқларни ўз ўрнида ишлатади. Балиқларни дайди овчилардан ҳимоя қилиш, электр токи билан овлашга қарши курашиш мақсадида ҳовузлар атрофига қоровуллар ҳам қўйилган. Баҳорда ҳовузга ташланган 10-20 граммлик чавоқлар октябрь-ноябрь ойларига келиб 1-1,5 килограммга етади.

– Бошқа балиқ турларини ҳам боқиш, ҳатто емни ҳам ўзимизда тайёрлаш мақсадимиз бор, – дейди тадбиркор. – Зеро, бундай тадбиркорлик субъектларининг кўпайиши халқимизнинг балиқ маҳсулотига талабини янада тўлиқ қондиради, нархи пасайиб, ҳамёнбоп бўлади, бўш иш ўринлари яратилади.

**Кумуш АБДУСАЛОМОВА,**
**Қуйи Чирчиқ тумани.**

Болалар спорти

# "ЁШЛИК"ДАН ЧИҚҚАН ЧЕМПИОНЛАР

***"Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти қошидаги "Ёшлик" спорт мажмуаси ёшларни спортга оммавий жалб этиш билан бирга, иқтидорли спортчиларни тарбиялаб бераётир. Бугун бу ерда ёшлар бокс, кураш, гимнастика, теннис сингари 10 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланишмоқда.***

Клуб тарбияланувчилари мамлакат ички чемпионатлари ва нуфузли халқаро мусобақаларда вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, совринли ўринларни қўлга киритишмоқда. Бокс бўйича тўрт карра Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпионати ва Жаҳон ёшлар универсиада ўйинлари кумуш медали совриндори, 2015 йилги XVIII Жаҳон чемпионатининг кумуш медали, 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари олтин медали соҳиби Фазлиддин Ғоибназаров ушбу спорт мактабида сабоқ олган.

Яқинда бекободликлар яна бир қувончли хушхабарнинг гувоҳи бўлишди. Мажмуа тарбияланувчиси Лазиза Аҳмадалиева Наманган шаҳрида теннис бўйича Ўзбекистон чемпионатининг жуфтлик баҳсларида олтин, якка чиқишда кумуш медални қўлга киритди.

– Сўнгги йилларда шаҳримизда спортга меҳр қўйган қизлар сафи кенгайиб, чемпионлар ҳам кўпайиб бормоқда, – дейди мураббий Баҳром Ўрозбоев. – Лазиза шундай истеъдод соҳибларидан бири. Тўгарагимизга келган кунлардаёқ унинг теннисга астойдил қизиқиши ва машқларга масъулият билан ёндашиши яққол билиниб турарди.

– Мамлакатимизда биз, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишимиз, иқтидор ва салоҳиятимизни юзага чиқаришимиз учун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, келажакда халқаро турнирларда юртимиз довруғини янада баланд кўтариш ниятидаман, – дейди Лазиза.




*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Таълим масканларида

*Асрлар оша ўз қадр-қимматини сақлаб келаётган бебаҳо илм сарчашмаси – китобни қадрлаб, у билан умрбод дўст бўлиш оқил инсоннинг иши.*

# КОМИЛЛИК ЙЎЛИ КИТОБДАН БОШЛАНАДИ

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ юксак маънавиятли ёшларни тарбиялаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди. Кучли давлатни билимли, зукко ва маънавиятли ёшлар қуради. Бундай фазилатлар эса китоб воситасида шаклланиб, такомиллашиб боради.

Шу сабабдан ёшларнинг таълим олишларини янада сифатли ташкил этиш йўлида кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ахборот-ресурс марказларининг очилиши бу йўлда катта қадам бўлди. Оҳангарон агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс марказида ҳам ўқувчилар учун барча шарт-шароитлар мужассам. Ҳозирги кунда "Ахборот-ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими" – ARMAT электрон дастури ўрнатилган бўлиб, ўқув адабиётларининг электрон каталоги босқичма-босқич яратилмоқда. Бугунги кунда фан, техника соҳалари шиддат билан ривожланиши натижасида, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнларини тўлиқ автоматлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, республикамиздаги барча ахборот-кутубхона муассасаларида ноёб китоблар, нодир қўлёзмалар мавжуд бўлиб, улардаги маълумотларни тўлиқ ва сифатли етказиб бериш бугунги кун талабига айланди.

Ҳозир таълим тизими тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасаларининг мақсади мустақил ўқиш, фикрлаш, таҳлил қила билиш, миллий истиқлол ғояларини мукаммал тушуниш ва мустақил фикрлай олиш қобилиятига эга китобхонларни тарбиялашдан иборатдир.

**Гулсара УМАРОВА,**
**Оҳангарон агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс маркази раҳбари.**

**Моҳият**

***Фёдор Достоевский***

## ДУНЁНИ ГЎЗАЛЛИК ҚУТҚАРАДИ

Ҳеч ким биринчи қадамни ташламайди, чунки ҳар бир киши бошқалар бунга жавоб қайтаришмайди, деб ўйлайди.

* * *

Ҳар бир нарсанинг ўз хавфли чегараси бор; бу чегарадан бир марта чиқдингми, ортга қайтишнинг имкони бўлмайди.

* * *

Бахтга осонлик билан эришилмайди, у қийинчилик эвазига қўлга киритилади.

* * *

Ҳақиқий севган қалбда рашк севгини ўлдиради ёки севги рашкни ўлдиради.

* * *

Инсонни йўқ қилиш осон: уни қилаётган иши ҳеч кимга керак эмаслигига ишонтириш кифоя.

* * *

Дўстим, ёдингда тут, жим туриш яхши, хавфсиз ва чиройли.

* * *

У ақлли одам, лекин ақлли иш қилиш учун биргина ақлнинг ўзи етарли эмас.

* * *

Агар мақсад сари йўлга чиқсангу сенга ҳуриётган итга тош отиш учун тўхтасанг, ҳеч қачон мақсадингга етолмайсан.

* * *

Дунёни гўзаллик қутқаради.

* * *

Катталар болалар энг оғир вазиятларда ўта муҳим маслаҳат беришлари мумкинлигини билишмайди.

Таассуф

# ЖИЯН, ТОҒАНГГА СУЯН...МА

***Ота шундай зотки, унинг ҳаракати билан оила қўрғони бут, қон-қариндошлик, жигаргўшалик ришталари мустаҳкам бўлади. Бироқ, дунёда шундайлар борки, уларнинг ножоиз қилмишлари, яқинлари бошига солган кулфатларини кўриб, "Тавба" дейсиз, одам қиёфасига кирган шайтонни кўргандай, сесканиб кетасиз.***

Азал-азалдан оташнафас шоирлар, қилни қирқ ёрадиган уламолар, ҳазрати виждон амрини табаррук билган алломалар маскани бўлмиш латиф шаҳар – Қўқонда туғилган "қаҳрамон"имиз бугун юзи шувут, пушаймон бир алпозда кун санаб ўтирибди. Ваҳоланки, у мамлакат тараққиётига ҳисса қўшаётган тенгқурлари сафида бўлиши, савдо-сотиққа уста маҳалладошлари қатори тадбиркорлик, омилкорлик бобида довруқ қозониши мумкин эди. Аммо, у бошқа бир жирканч ишлари орқасидан "ном чиқарди"...

Салим Турсунбоев гиёҳванд моддалар савдосига чоғланар экан, мўлжални кенгроқ олди. У, дастлаб, мамлакат қонунчилигини обдон "ўзлаштирди", қайси хатти-ҳаракатга қандай жазо берилишигача чамалаб, ўзича туйнук ахтарди. Кейин "фалсафий мушоҳада"га берилди-да, хўв ўша, "Эврика" дея ҳайқирган Архимеддай миясига келган ўй-фикрдан бақириб юбораёзди. Инсонпарварлик тамойили устувор юртда вояга етмаган шахслар, аёллар, хусусан, қарамоғида гўдаги бўлган аёлларга енгил жазо берилиши, кўпинча жазодан озод қилиниши Салим Турсунбоевга "илҳом" берди. Шундай қилиб, у қабиҳ режасини амалга ошириш йўлида фарзанди, 19 ёшни қаршилаган Наргиза, 22 яшар жияни Шоҳиста, бу ҳам етмагандек, эндигина 11 ёшга тўлган жияни Шерзоддан фойдаланишни кўзлади.

"Тоғам бор – тоғим бор", дейди халқимиз. Бироқ, бу вазиятда тоғабой – Салим Турсунбоев жиянлари Шоҳиста ва Шерзодни заррача аяб ўтиргани йўқ.

Аслида-ку, бу оиладаги вазият издан чиққанига анча бўлган, болалар бувисининг қарамоғида улғаётган эди. Гап шундаки, Салим Турсунбоевнинг синглиси, яъни Шоҳиста ва Шерзоднинг онаси эрдан ажраб, кейинроқ эса гиёҳванд моддалар савдоси билан қўлга тушиб, тегишли жазо муддатини ўтаётган, икки норасида эса бувиси назоратида эди. Бадар кетган ота, панжара ортида гулгун дамларини ўтказаётган она, келажакка умидсиз боққанча улғаяётган болалар... Ростини айтганда, бу манзарадан одамнинг кўнгли маҳзун тортади, номардлар туфайли озурда бўлган болаларга ачинади, киши...

Аммо, тақдир экан-да, уларнинг кейинги қадамлари ҳам бир қабиҳнинг шум нияти боис чакки кетди. Аслида бу икки норасидага ота ўрнида ота бўлгучи зот ҳар кўришганда жиянларига таъналомуз боқар, "Сенларни уйли-жойли қилиш, элга қўшиш менинг зиммамда", дея миннат қиларди.

Ниҳоят, ўша мудҳиш кун етиб келди. Тоға жиянларини ёнига олиб, салмоқлаб гап бошлади...

Дастлаб қўрқув ва хавотирга тушган болалар, кейинроқ илинж билан яшай бошладилар. Зотан, тоға уларнинг энг нозик томонларини топиб сўз айтар эди: "Агар менга қўшилиб, ишимни битиришга ёрдам берсангиз, тўй ҳам қиламиз, уй ҳам қурамиз, тез-тез онангизнинг ёнига бориб кела оласиз..." Бахтиқаро она қамоқда, ёлғиз, ғамзада икки опа-ука эса кўзлари жавдираганча тоғасидан имдод кутади...

Шундай қилиб, жиянлари ёнига ўз фарзандини ҳам қўшган Салим Турсунбоев Бекобод туманидан шерик топиб, ишни бошлаб юборди. Гўё оилавий сайрга отлангандек, тоға, унинг қизи, жиянлар водий – Тошкент орасида тез-тез қатнай бошладилар. Орадан вақт ўтди, жиян турмушга узатилди, қамоқдаги онанинг олдига борди-келдилар кучайди. Аммо, тарихнинг сабоғи шуки, гуноҳ ва разолат устига тикланган иморат ҳеч қачон мустаҳкам бўлмайди. Аниқроғи, жиноят жазосиз қолмайди.

Оҳангарон туманидаги "Чинор" ЙПХ маскани. 2016 йил, 6 февраль...

Азим тоғларга туташ баҳаво ва сўлим манзилга "Ласетти" русумидаги машина кириб келди. Машина ичида "қаҳрамон"имиз қизи ва жиянлари билан сохта хотиржамликни намойиш қилганча ўтиришарди. Лекин, бу вақтга келиб, тўданинг қилмишлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларига аён бўлган, жиноятнинг қабиҳ тўрига ўралганлар сўнгги манзилга етиб келишган эди...

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбир давомида жиноятчилар воқеа жойида қўлга олинди. Гувоҳлар, холислар иштирокида ўтказилган тафтишда уларда гиёҳванд модда борлиги аниқланди.

Одил суд ҳукмига кўра, уларнинг ҳар бири ўз жазосини олди. Лекин Салим Турсунбоев, унинг жиянлари ва фарзанди учун ҳақиқий жазо – виждон азоби мана энди бошланди. Бу хабарни савдойи бир алпозда, қамоқ ортида туриб эшитган шўрпешона онанинг қалбидан қандай ўйлар ўтди экан? Аянчли тақдири фарзандлари ҳаётида қайтарилганини ўйлаб, қилган ишларидан афсус-надомат чекаётгандир?!

"Бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукр қил", дейди халқимиз. Эрталаб уйдан кўчага чиққанимизда фарзандларимизга бирров нигоҳ ташлаб, кунлик режаларини сўраймиз, вазифа ва мажбуриятларини эслатиб туришга бурчлимиз. Сингилжонлар меҳмонга келишса, уларнинг фарзандларини боламиздек суюб алқаймиз, яхшилар суҳбатини илинамиз. Мана бу – бизнинг асл қиёфамиз, ота-боболаримизнинг тутуми. Оталар ва болалар, жигаргўшалараро табаррук ришталар, қадим мувозанат узилса, шикаст топса дунё дунё бўлмай қолади. Яхшики, биз яшаб турган дунёда Салим Турсунбоев кабилар рўшнолик кўрмайди: уларнинг қабиҳ ўйларига буров соладиган осойишталик, тинчлик посбонлари бор...

**Саид БОБОЕВ.**



## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 5 ноябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1 даража совуқ, 1 даража илиқ, кундузи 8-10 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5 даража илиқ, айрим жойларда 1-2 даражагача совуқ, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

Реклама ва эълонлар

**"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОСИГА МАРҲАМАТ!**

2016 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 да мулк бошланғич баҳосининг босқичма-босқич оширилиши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига ФИБ Оҳангарон туманлараро судининг 17.11.2011 йилдаги 7776-2012-сонли ижро варақасига асосан, Бўка тумани СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси – 24 812 100 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, А. Темур кўчаси, 6-уйда жойлашган, қурилиш майдони 59,40 кв.метр, умумий фойдаланиш майдони 46,44 кв.метр, 2 хонали, 46-хонадон такроран қўйилмоқда. Савдога чиқарилган мулк билан туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлар тузиладиган "закалат келишуви"га асосан мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinBANK"даги МФО 01041, ИНН 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслари сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-01-43, e-mail: info@realtors.uz.

Лицензия RR-0173.

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Чиноз тумани СИБ томонидан, ФИБ Қуйи Чирчиқ туманлараро судининг 2016 йил 12 сентябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз ҚФЙ, Гулзоробод ҳудудида жойлашган омборхона бино-иншоотлари, ер майдони 0,026 Га, ер майдони 214,24 кв.м.дан иборат бўлган бино-иншоотлар қўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 100 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 5 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 2 декабрь соат 16.00 гача.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги х.р: 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия RR-0001.

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2016 йил 9 августдаги 11-1535/13112-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Гулбоғ қўрғонида жойлашган, умумий майдони 9,11 Га бўлган, "Облиқ норуда қурилиш материаллари карьери" МЧЖга тегишли бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 900 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 22 ноябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 18 ноябрь соат 18.00 гача.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519 х/р.га тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел./Факс: 228-80-26. www.1kms.uz.

Лицензия RR-0001.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи **Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Электрон почта:** thaqiqat@umail.uz

**Телефонлар:**
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатта олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Назоратчи мусаҳҳиҳ **Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-7407. Адади 6947. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 23.30.